SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 29-MAY ■ PAYSHANBA ■ 66 (27.086) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Президент Москвага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун 28 май куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарлари саммити 29 май куни Москвада, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви эса 30 май куни Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади. Мамлакатимиз раҳбари, шунингдек, Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда ҳам қатнашади.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида қуйидагиларни айтди:

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолият бошлаганидан буён ўтган вақт давомида унинг аъзолари асосан ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш, ташкилот доирасидаги ижроия механизмларини яратиш каби ташкилий масалалар билан шуғулланиб келган. Ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг бу галги учрашувида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ШҲТнинг истиқболдаги фаолиятини белгилаб беришга қаратилган қатор ҳужжатлар кўриб чиқилади. Бу ҳужжатлар қабул қилингач, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти келажакда қайси йўналишдан бориши лозимлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Маълумки, бу ташкилот янги тузилганида унинг фаолияти асосан бир-бирига чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Икки йил аввал унга Ўзбекистон ҳам қўшилиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти пайдо бўлди. Шундан кейин мазкур тузилманинг мақсад ва вазифалари янада кенгайди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади. Москвадаги саммитда шу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Москвада ШҲТ саммити якунларига бағишланган махсус декларация имзоланиши мўлжалланмоқда.

Саммитда, шунингдек, хавфсизлик, хусусан, терроризмга қарши кураш, терроризм марказларини қўллаб-қувватлаётган, молиявий жиҳатдан таъминлаб турган кучларнинг томирини қирқиш масаласига ҳам эътибор қаратилади. Бундан ташқари, кун тартибидан иқтисодий масалалар ҳам жой олган. Давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини ривожлантириш, жаҳон бозорига чиқиш учун бир-бирига кўмаклашиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмайди, — деди Ислом Каримов.

(ЎзА)

Президентлар учрашуви

МОСКВА. 28 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Москвага келди.

Шу куни ШҲТга аъзо олти давлат раҳбарларининг ўзаро норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларнинг ҳозирги аҳволи, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар хусусида фикрлашилди.

ШҲТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлатлари раҳбарларининг асосий учрашувлари 29 май кунига мўлжалланган.

(ЎзА)

Баркамол авлод орзуси

Қамаши туманидаги педагогика иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида айни кунларда 800 нафар талаба халқ хўжалигининг тўққиз йўналиши бўйича сабоқ олмоқда. Коллежда замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган фан кабинетлари, шинам спорт зали, турли тўгараклар, 100 ўринли ётоқхона талабалар хизматида.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коллежда ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган бўлиб, бу ерда талабалар ишлаб чиқараётган кўрпа-ёстиқ жилдлари, гиламлар ва бошқа маҳсулотлар нафақат коллеж эҳтиёжини қондираяпти, балки вилоятда янги қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ташкилотларга буюртма асосида сотилмоқда. Бу эса коллежнинг моддий базасини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда.

✧✧✧

Суратларда: ўқитувчилар Бозор Қаюмов, Нилуфар Муҳиддинова ва Нигора Қодирова талабаларга касб сирларидан сабоқ беришмоқда.

Абдурасул ПАРДА олган суратлар



Дала ишларини жадаллаштириш зарур

Гулистон (ЎзА мухбири Т.Аҳмадалиев). Гулистонда Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ва республика агросаноат мажмуи бир қанча идоралари мутахассисларининг вилоятда амалга оширилаётган деҳқончилик ишларига оид таҳлилий хулосалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, машина-трактор парклари, ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари уюшмалари, бошқа қатор муассасалар, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Таъкидландики, вилоят пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Айниқса, Сайхунобод, Гулистон ва Боёвут туманларида экинлар яхши ривожланган. Бироқ бу йилги баҳорнинг серёғин келиши вилоят деҳқонларига ташвиш туғдирганини эсдан чиқармаслик керак. Айрим майдонларда экинлар икки, баъзи жойларда эса уч марта қайта экилди. Ғўза ривожи камида 20 кун кеч қолмоқда.

Ушбу муаммони экинларга комплекс тарзда механизациялашган ишлов бериш билан ҳал этиш мумкин. Аммо республикамизнинг кўпчилик ҳудудларида ҳозирга келиб ғўзалар икки-уч марта культивация қилинган бўлса, Сирдарё вилоятида ҳали экинларнинг ярмига ҳам биринчи механизациялашган ишлов берилмаган. Бу борада Шароф Рашидов, Оқолтин, Ховос туманлари хўжаликларида аҳвол ёмон. Ушбу туманлар хўжаликларида культивация ишлари пахта майдонларининг 33-38 фоизида бажарилган, холос.

Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров иштирок этди.

Рисола тақдимоти

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод Шарафиддиновнинг «Президент — мустақиллик меъмори» асари тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда университет профессор-ўқитувчи ва талабалари, таниқли олим ва адиблар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар «Президент — мустақиллик меъмори» асарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сиймоси нафақат Ўзбекистон мустақиллиги ижодкори, балки унинг тараққиёт йўлини белгилаб берган шахс сифатида ёритилганлигини таъкидлашди.

Асар муаллифи ўз сўзида бу рисола унинг узоқ йиллик кузатувлари ва шахсий хулосалари хосиласи сифатида қоғозга тушганини айтди ва қатнашчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Бунёдкорлик» фильми намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари Самарқанд давлат университети музейи, Президент асарлари кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, республика «Маънавият ва маърифат» маркази ахборот гуруҳи аъзоси

Депутатнинг болаларга совғаси

Олий Мажлис депутати, Бухоро аэропорти директори Тоҳир Баҳронов Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Пешку туманидаги 39-мактаб ўқувчиларига компьютер совға қилди. Депутатнинг бу тухфаси мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлабгина қолмай, балки ўқувчиларни янги ахборот имкониятларидан баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этади.

Даврон БАҲРОНОВ

Испания Ўзбекистонни кашф этмоқда

Профессор Леонсио Кабреронинг Москвага келишидан мақсади «Испания Самарқандни кашф этмоқда» номли маърузани ўқиш эди.

Шунингдек, бу йил Кастилия қироли Энрике III Самарқандга дипломатик миссия йўллаганига олти юз йил тўлди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиши тарихида бу жуда муҳим сана ҳисобланади.

Бундан ташқари, Мадриддаги Комплутенсе университетининг профессори испан ва рус тилларида Руи Гонсалес де Клавихонинг расмларга бой «Кастилиянинг Самарқанддаги дипломатик ваколатхонаси» (1403-1406) китобини нашрга тайёрлаб, уни чоп этди.

Ушбу китоб нусхаларидан бирини Испания Қироли Хуан Карлос I Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга шу йилнинг январ ойида ушбу мамлакатга расмий ташрифи давомида топширган эди.

Айнан шу тадбирларнинг моҳиятини профессор Кабреро Москвадаги Испания маданият маркази ҳузуридаги Сервантес институтида бўлиб ўтган учрашув давомида йиғилганларга очиб берди.

Учрашувни Испаниянинг Россиядаги элчиси Хосе-Мария Роблес Фрага очди. У меҳмонни маърузани тинглаш учун йиғилган россиялик ва испаниялик олимлар, журналистлар, дипломатик ҳайъат вакиллари билан таништириб, Ўзбекистон вакилларини кўришдан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Леонсио Кабреронинг Кастилия элчихонасининг Амир Темур давлати билан алоқалари тўғрисидаги ажойиб маърузаси давомида Ўзбекистон тарихи ва бугунги кунига бағишланган слайдлар ҳам намойиш этилди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА мухбири
Москва.

● МУНОСАБАТ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига қилган сафари давомида, айниқса қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувлар чоғида одамлар турмуши, олаётган даромадлари, муаммолари билан қизиқиши нафақат водийликларни, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги ҳамюртларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Ким билан гаплашманг, ҳар бири тўлқинланиб бу ҳақда гапиради.

Қалбимизга чўғ солди

Тўғрисини айтсам, бу ташриф ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан эл маъмурчилиги, юрт тўкин-сочинлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган, ер билан тиллашиб, манфаат ҳамда даромад топаётганлар учун чинакам ғамхўрлик намунаси бўлди деб ўйлайман.

Юртбошимиз айтган гаплар, деҳқонлар билан бўлган саволжавоблар хўжаликларнинг раҳбарларидан тортиб оддий ижарачининг, қўйингки, кетмони елкада бўлган ҳар бир деҳқоннинг дилидаги орзу-ниятини тилига чиқарди, қалбларига чўғ солди. Бир ҳафтадирки, хўжалигимизнинг қайси бригадаси, қайси деҳқон-фермер жамоаси ёки қайси бир пудратчиси билан суҳбатлашманг, давлатимиз раҳбарининг водий учрашувлари хусусида тўлқинланиб гапирмоқдалар. Ишга ва бурчга бўлган масъулият ҳамда сафарбарлик туйғулари иккиуч ҳисса ошди.

Бу йил 480 гектар майдондаги пахта ва 304 гектар ердаги ғалламиз ҳар қачонгидан баравж. Насиб этса, пахтадан гектар бошига 40, дондан 60 центнердан ҳосил кўтариб, қарийб 600 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллаяпмиз. Бу эса тўлиқ табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланган 7 минг нафарли хўжалигимиз аҳлининг ижтимоий ҳимояси ва моддий манфаатдорлигини янаям оширади.

Аҳмад ХАЙРУЛЛАЕВ, Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор

Ҳар биримизга дахлдор

Мамлакатимиз Президентининг учрашувларда сўзлаган нутқларини, одамлар билан очиқ ва самимий мулоқотларини, суҳбатларини телевизорда кўрдик, эшитдик, газетада ўқидик.

Менга жуда таъсир қилгани Юртбошимизнинг одамлар билан оддий, самимий суҳбати бўлди. Худди ўзим ҳам шу учрашувларда қатнашаётгандек ҳаяжонландим. Юртбошимизнинг ҳар бир гаплари бизга ҳам тегишли, албатта. Шу маънода, билдирилган таклиф ҳамда тавсияларидан келиб чиқиб, олдимизда турган вазифаларимизни ҳам белгилаб олдик.

Жамоамиз республикамизда тикланаётган иншоотларга қурилиш материаллари (ғишт, шағал, оҳак, темир-бетон плиталар) етказиб беради. Масалан, ўтган йили 11,3 минг куб метр шағал, 161 куб метр темир-бетон плиталари, 1557 тонна оҳак, 3 миллион 570 минг дона ғишт тайёрладик. Жорий йилнинг беш ойи ичида ҳам мазкур турдаги маҳсулотлар етказиб бериш режалари ошириб уддаланди. Нукусдаги қурилиш бошқармаси, Тахиатош уйсозлик ҳиссадорлик жамияти ва туманимиздаги 304-кўчма механизациялашган мажмуа каби қатор қурилиш корхоналари бунёдкорлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифатидан хурсанд.

Президентимиз сафари давомида вилоятларда қурилаётган мактаблар, спорт иншоотлари сифатига ва аҳолига кўрсатаётган маданий-маиший хизматлар даражасига ҳам алоҳида эътибор бердилар. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам «Қанғли» фермер хўжаликлари уюшмасидаги 540 ўринли, Охунбобоев номли хўжалик ҳудудидаги 830 ўринли мактаблар қурилишини жадал тус олдирдик. Қурувчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиш тадбирлари белгиланди.

Обод маҳалла йилида салкам 400 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришга аҳд қилганмиз.

Исмоил ЮСУПОВ, Амударё қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.

● СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ислоҳот, имконият, имтиёз, изланиш

Ҳурматли газетхон! Соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгариш ва ислоҳотлар жараёни, мавжуд муаммолар бўйича сизларни қизиқтирган саволларга жавоб олиш, хоҳиш-истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни вазирликка етказиш имкониятини яратиш мақсадида **СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ**нинг навбатдагиси соғлиқни сақлаш вазири билан бўлиб ўтиши ҳақида газетамизнинг ўтган сонларида эълон қилинганди.

Шундан сўнг таҳририятимизга соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳадаги муаммолар, шифохоналардаги шароит, беморларни дори-дармон билан таъминлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи юзасидан элликка яқин савол, таклиф-мулоҳазалар келди.

Бугун улардан энг муҳимларига соғлиқни сақлаш вазири **Феруз НАЗИРОВ** жавоб беради.

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

● СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ИСЛОҲОТ, ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ, ИЗЛАНИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Оқилжон ЮСУПОВ *(қурувчи-муҳандис, Китоб тумани):*

— Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт институтларида бакалавр йўналишида ўқиш муддати 7 йил қилиб белгиланган. Ушбу муддатни бироз қисқартиришнинг иложи йўқми?

— Бугунги кунда даволаш ва педиатрия йўналишлари бўйича талабалар 7 йил таҳсил олиб, дипломлари асосида шифокор лавозимида мустақил ишлаш ҳуқуқига эга бўлишади.

Тиббий таълимда (даволаш йўналишларида) ўқиш муддати аввал ҳам 7 йилдан иборат эди. Фақат эски тизим бўйича 6 йил институт қошида ўқиш билан, 1 йили интернатурада ўтиларди. Дипломнинг ўзи интернатура ўтилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасиз мустақил ишлаш ҳуқуқини бермас эди. Интернатура турли тиббиёт муассасаларида ўтилиб, талабаларга ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштириш, билимни назорат этишда қатор муаммолар туғдирар эди. Бугунга келиб интернатура институтда ўқиш муддатига қўшилган. Жаҳон андозаларига мос, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида тузилган янги таълим стандартлари, ўқув-режа дастурлари шуни тақозо этади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонда тиббиёт йўналишларидаги ўқиш муддати аниқ белгилаб берилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ривожланган мамлакатларнинг тиббий таълим тажрибасидан келиб чиқиб, бугунги кунда ўқиш муддатини камайтириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.

Т.ТОШТЕМИРОВ *(Андижон вилояти):*

— Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида вилоятимизда кўплаб ҚВПлар қурилди. Бироқ, бугунги кунда қишлоқ жойларидаги барча шифо масканларида ҳам шарт-шароитлар етарли деб бўлмайди. Хизмат кўрсатиш савияси, керакли тиббий анжомлар билан таъминланиш даражаси паст. ҚВПлар фаолияти вазирлик томонидан қандай назорат этилмоқда?

— Андижон вилоятида 226 та ҚВП мавжуд. Шундан 89 таси янги қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 137 таси мослаштирилган биноларда ташкил этилган. Улар вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобига қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади. 2004 йилдан бошлаб «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича республикамиз ҳудудидаги барча қишлоқ врачлик пунктларини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугун Андижон вилоятидаги ҚВПларда 206 нафар умумий амалиёт шифокори фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ҳамда уларда фаолият кўрсатаётган тиббий ходимлар малакасини оширишга оид масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан доимий назоратга олинган. Бу масала ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилинади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланади.

Т. ЖЎРАЕВА *(Термиз шаҳри):*

— Мен бел умуртқаси диск-чурраси дардига чалинганман. Мутахассисларнинг маслаҳатларига кўра, Тошкент шаҳрига бориб компьютер-томография текширувидан ўтишим ва кейинги босқичларда даволанишим зарур экан. Наҳотки вилоят касалхоналарини махсус тиббий асбоб-ускуна билан етарли даражада таъминлашнинг иложи бўлмаса?

— Бугунги кунда республикамизда 15 та компьютер-томограф (КТ) ва 5 та магнито-резонанс томографи (МРТ) ишлатилмоқда. Жумладан:

Тошкент шаҳрида — 11 та КТ ва 3 та МРТ;

Фарғона вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида — 1 та КТ;

Самарқанд вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида — 1 та КТ;

Қашқадарё вилоят диагностика марказида — 1 та КТ;

Сирдарё вилояти «Матлюба» МЧЖда — 1 та КТ;

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида — 1 та МРТ;

Қорақалпоғистон Республикасида — 1 та МРТ.

2003 йил давомида Хоразм ва Наманган вилоятларини КТ (ҳозирги кунда ўртача нархи 600-700 минг АҚШ долларига тенг) билан таъминлаш режалаштирилган. Қолган вилоятларни ҳам махсус тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Сиз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан йўлланма олиб Тошкент ёки Самарқанд шаҳарларида КТ текширувидан ўтишингиз мумкин.

Сиддиқ АБДУРАСУЛОВ, Саримсоқ ПЎЛАТОВ *(Тошкент шаҳри):*

— Дорихоналарда дорилар қиммат. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун имтиёзли тарзда дори-дармон бериладими? Ёки поликлиникаларда улар учун алоҳида шароит яратиш бўйича вазирлик томонидан аниқ тадбирлар белгиланганми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорининг 4-иловасига асосан амбулатория-поликлиникаларда шифокорлар томонидан қўйидаги касалликлар билан оғриган шахсларга имтиёзли рецептлар ёзиб берилади ва шулар асосида дорихоналардан бепул дори-дармон олиш мумкин: онкологик касалликлар, сил, мохов касаллиги, эндокринологик, руҳий касалликлар, ОИТС, юрак клапанларини протезлаш, шунингдек, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронти қатнашчилари, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар, байналмилал жангчилар ҳам имтиёзли дори-дармонлар билан таъминланади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар стационар шароитда бепул даволаниш имтиёзига эга. Бундай фуқаролар амбулатория-поликлиникаларда шифокорлар томонидан навбатсиз қабул қилинади.

И. ШАРОФИДДИНОВ *(Андижон вилояти):*

— Баъзи болалар шифохоналарида пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғримикан?

— «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»га биноан 2 ёки ундан ортиқ болалар даволаш муассасалари мавжуд бўлган шаҳарларда улардан биттаси ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказилган, яъни пуллик хизмат жорий этилган. Республикада бундай болалар муассасалари сони 7 та, шу жумладан Андижон шаҳар 2-сонли болалар шифохонаси ҳам ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилган. Бюджетдан ташқари маблағлар дори-дармон, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, зарур тиббий асбоб-ускуналар харид қилишга ва тиббий ходимларни моддий рағбатлантиришга сарфланади.

Шунингдек, Андижон шаҳрида бепул ёрдам кўрсатувчи вилоят болалар шифохонаси ва шаҳар болалар шифохонаси мавжуд.

Бахит БЕГАЛИЕВА *(шифокор-лаборант, Нукус шаҳри):*

— Қон таркибининг клиник анализини аниқловчи аппаратимиз эскирганлиги сабабли гемоглабин, эритроцитларни микроскопда санаб ўтказишга мажбурмиз. Энг замонавий техникалар фақатгина Тошкент шаҳрида мавжуд. Бундай техникаларни Қорақалпоғистонга ҳам олиб келишнинг имкони борми?

— Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирги кунда замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан 3 та даволаш муассасаси (республика болалар касалхонаси, шаҳар болалар касалхонаси ҳамда акушерлик ва гинекология ИТИнинг Нукус шаҳар филиали) Япония гранти ҳисобига тўлиқ жиҳозланган.

1996-2002 йилларда ташкил этилган барча ҚВПлар лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига қўшимча 96 та ҚВП замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланиши режалаштирилган.

Пердегул ХЎЖАМУРАТОВА *(«Еркин Қорақалпоғистон» газетаси мухбири):*

— Ҳозир тиббиётда пуллик хизмат турлари кенгаймоқда. Аммо вазирлик томонидан ягона тариф ва нархлар тизими ишлаб чиқилмаган, шекилли. Мазкур масалада яқин орада бирон-бир ўзгариш, янгилик бўладими? Уни белгилаш чоғида аҳолининг яшаш шароити ҳисобга олинадими?

— Аввалambор, шуни айтиш керакки, 2002 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига қарийб 7,0 млрд. сўм миқдорида пуллик тиббий хизмат кўрсатилди. Бу вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг фаолиятини таъминлаш учун давлат бюджетидан йўналтирилган барча маблағнинг 3,8 фоизини ташкил этади, холос. Кўриниб турибдики, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг асосий қисми аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган.

Тиббий хизматларга ўрнатиладиган нархлар тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакаси, тоифаси, илмий унвони, тиббий техниканинг қўлланилиши, дори-дармон билан таъминлаш ва ушбу тиббиёт муассасасини сақлаш учун сарф этиладиган коммунал харажатлар йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Бу борада ҳукумат қарорлари, бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳамда вазирликнинг тиббий хизматларга нархларни ҳисоблаш бўйича услубий қўлланмалари чиқарилган. Тиббий хизмат нархини шакллантириш даврида ўрнатиладиган рентабеллик (фойда) миқдори 25 фоиздан ошмаслиги белгиланган. Ҳозирги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида пуллик хизмат ва тарифлар бошқармаси, унинг вилоятлардаги бўлимлари ташкил этилган. Уларга нархлар шаклланишини назорат қилиш ва пуллик тиббий хизмат кўрсатишни тўғри ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, пуллик тиббий хизматлар соҳага бозор муносабатларини киритиш, аҳолининг тиббий хизматга эҳтиёжидан келиб чиқиб, эркин танлов шароитини яратиш ва кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида йўлга қўйилмоқда.

Ҳасанзода Бобур МИРЗО *(ўқувчи, Боғот тумани):*

— Сўнгги пайтда ғайриоддий зотилжам ҳақида матбуотда тез-тез ташвишли хабарлар кўзга ташланмоқда. Ушбу хавфли дард мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Ушбу касалликнинг Хитой, Таиланд, Канада, АҚШ, Италия, Франция, Ҳиндистон, Вьетнам, Жанубий Корея каби жаҳоннинг бир қатор давлатларида қайд қилинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мазкур касалликнинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча тиббиёт муассасалари оғир ўткир респиратор синдроми бўйича шай ҳолга келтирилди, уларнинг сергаклиги оширилди. Жумладан, вазирликда махсус штаб ташкил қилинди. Эпидемияга қарши тадбирлар мажмуи тасдиқланиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш муассасаларига, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига юборилди.

Касалликнинг ҳаво транспорти орқали тарқалиши эҳтимоли мавжудлиги боис асосий тадбирлар хориждан мамлакатимизга қатновларни амалга ошираётган ҳаво лайнерларини тиббий назорат этишга қаратилмоқда. Шунингдек, Тошкент аэропортида санитария-карантин пункти ташкил этилиб, касалликда гумон қилинганлар учун 3 та махсус ўрин, 1-сонли Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида 30 ўрин тайёрланиб, улар етарли миқдорда дори-дармон, махсус ҳимоя ва дезинфекция воситалари билан таъминланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» тизимидаги 700 дан ортиқ экипаж аъзоси, борт ходимлари ва стюардессалар оғир ўткир респиратор синдромининг клиник белгилари, профилактик чоралари ҳақида махсус ўқув курсида ўқитилди.

Қилич РАҲИМОВ *(ўқитувчи, Хива шаҳри):*

— Мен 45 йиллик иш стажи билан нафақага чиқдим. Ҳозирда тиббиётнинг кўпгина тармоқлари пуллик. Бизга ўхшаган қарияларга тиббий кўрикдан ўтиш учун имтиёзлар бериладими?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан фуқароларга бирламчи ва шошилинч тиббий ёрдам бепул кўрсатилади. Қарияларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам ҳудудий поликлиникаларда имтиёзли равишда амалга оширилади.

Абдулла РАҲМАТУЛЛАЕВ *(Ўзбекистон тумани):*

— Ёшим 54 да. Касбим қурувчи. 90-йиллар бошидан буён белим оғрийди. 1997 йилдан 2-гуруҳ ногиронман. 2002 йил сентябрдан бошлаб туманимиздаги ногиронликни белгилаш комиссияси мени мутлақо соғ деб топди. Ҳолбуки, касалим кучайса кучайдики, тузалгани йўқ. Шундан кейин мен вилоят комиссиясига, юқори ташкилотларга учрадим. Аммо фойдаси бўлмаяпти. Мен ушбу масала бўйича кимга мурожаат қилишим керак?

— Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларидаги врачлар маслаҳат комиссияси меҳнатга лаёқатсиз деб топган фуқароларни фақатгина тиббий меҳнат экспертиза комиссиясига керакли тиббий ҳужжатлар асосида юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Гуруҳ ногиронлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланиши сабабли мазкур масалада шу вазирликка мурожаат этишни тавсия этамиз.

Эркин ИМОМНАЗАРОВ *(Жиззах шаҳар кўз касалликлари шифохонаси врачи):*

— Кўп йиллар давомида шифокор бўлиб ишладим. «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан тақдирланганман. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатиман. Лекин яқинда штат қисқариши боис ишсиз бўлиб қолдим. Шу тўғрими? Умуман, штат қисқаришида ходимнинг тажрибаси, хизматлари инобатга олинмайдими?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 103-моддасига биноан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда, мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга афзаллик берилиши кўзда тутилган.

Дилафрўз ВАЛИЕВА *(Пешку тумани):*

— Онамни анчадан буён бош оғриғи қийнайди. Қилмаган чорамиз қолмади, аммо фойдаси бўлмаяпти. Онамни қаерда, қандай даволатсак бўлади?

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йил 17 февралдаги 90-сонли буйруғига асосан республика даволаш-профилактика муассасаларида текшириш ва даволаш йўлланмалар асосида амалга оширилади. Йўлланмалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларига ҳар ойда тақсимланади.

Сиз Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига учраб, тегишли тиббий ҳужжатларга асосан 1-сонли республика клиник касалхонаси ёки 2-ТошДавТИ 1-клиникасига ажратилган йўлланмани олиб, онангизни малакали мутахассисларга текширтириб, даволатишингиз мумкин.

Тошканбой ЁҚУБЖОНОВ *(Чуст тумани):*

— Мен I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганман. Унинг низоми 3-бандида имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олишим мумкинлиги кўрсатилган. Имтиёздан 1996 йилгача фойдаландим. Аммо 1997 йилдан бошлаб менга ҳеч қаерда дори-дармон бермай қўйишди. Сабаби, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рўйхатида ушбу орденга имтиёз йўқ, дейишди. Шу ростми?

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, 1993 йил 7 майда тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ордени низомининг 4-бандига асосан I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган фуқаролар бепул тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонлар олиш ҳуқуқига эга.

Ахрор ЮСУПОВ *(Тошкент шаҳри):*

— Мен 2-гуруҳ ногиронман. Санаторийга даволанишга йўлланма олиш учун 4 йилдан бери навбатда тураман. Соғлиқни сақлаш тизимида ўпка, нафас йўллари, юрак касалликларини даволовчи соғломлаштириш санаторийлари мавжудми? Умуман, вазирлик ихтиёридаги санаторийга йўлланма ким томонидан ва қандай одамларга берилади?

— Санаторийлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига қарашли бўлиб, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилганлар, вафот этган ҳарбий хизматчилар оиласи, фронт ортидаги меҳнатлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар, Чернобиль ҳалокати ногиронлари, ҳарбий хизматни ядро ва бошқа радиация объектларида ўтаган шахслар, республика микёсидаги шахсий нафақахўрлар, ёлғиз нафақахўрлар ҳамда ногиронларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан йўлланмалар ажратилади.

Муҳтабар БЕКМУҲАММЕДОВА *(Тошкент шаҳри, Миробод тумани):*

— Онам 66 ёшда. Беш йилдан буён бетоб, баданида қичима пайдо бўлган, қон босими ошиб кетади. Уларни даволатиш учун кўп жойларга мурожаат қилдик, лекин бирон-бир фойдаси бўлмади. Шу дардни даволашнинг иложи борми?

— Барча тиббий ҳужжатларингиз билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш Бош бошқармасига мурожаат қилсангиз, беморни ташҳис қўйиш ва даволатиш учун республика Тери-таносил касалликлари илмий текшириш институти ёки Республика аллергология марказига йўлланма берилади.

Сагийра ЖАЛИМБЕТОВА *(Кўнғирот тумани):*

— Докторлар 12 ёшли набирамга «туғма юрак пороги» деб ташҳис қўйишган. Уни фақат Тошкентда операция қилиш мумкин экан. У ерга боришга менинг имкониятим йўқ. Мутахассисларни Қорақалпоғистонга чақириш мумкинми?

— Қорақалпоғистон Республикаси даволаш-пофилактика муассасаларида даволанаётган беморларга санитария авиацияси томонидан керак бўлган мутахассислар чақирилиб, тегишли маслаҳат олиш мумкин. Лекин, ҳозирги кунда ушбу юрак операцияси фақат Хоразм вилоятидаги кардио-жарроҳлик марказида, Тошкентдаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида ва Тошкент педиатрия институти клиникасида амалга оширилиши мумкин. Бу бўйича тегишли кўрсатмалар Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига берилади ва набирангизни операция қилдириш учун лозим бўлган ёрдам кўрсатилади.

Зулхумор СУЛТОНОВА *(ҳамшира, Тошкент шаҳри):*

— Ҳозир кўпгина поликлиникаларда умумий ихтисослашган шифокорлик тизими жорий этилмоқда. Маълум бўлишича, бунда ҳамширалар масъулияти ва хизмати ошаркан. Умуман, бу янгиликда шифокор ва ҳамширанинг ўрни қандай?

— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача дастури тўғрисида»ги қарори асосида жойлардаги бирламчи тиббий санитария ёрдамида умумий амалиёт врачлари ва умумий амалиёт ҳамширалари соҳасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда ташкил этилаётган ҚВПларда аҳолига умумий амалиёт врачлари ва ҳамширалар томонидан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунда ҳамшира масъулияти оширилиб, хизмат доираси қатор қўшимча вазифалар билан кенгайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигида умумий амалиёт врачлари ва умумий амалиёт ҳамширалари фаолияти масаласига оид қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, умумий амалиёт врачлари ва ҳамширалари ҳақида низом ва ихтисос тавсифномаларида тиббий ходимларнинг бурчи ва масъулиятига доир тегишли кўрсатмалар белгилаб берилган.

Бекназар ЭРНАЗАРОВ *(шифокор, Каттақўрғон тумани):*

— Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарорида қишлоққа тиббий хизматни яқинлаштириш бўйича қўйилган талаблар қандай бажарилмоқда? Вилоят ва туман тиббий муассасаларида фаолият юритаётган фан доктори ва номзодларига қандай эътибор қаратилиши керак?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан 2005 йилгача республикада 2800 та ҚВП ташкил қилиниши режалаштирилган. Республикамизда 2003 йилнинг 1 январигача 2058 та ҚВП (шундан 991 таси янги ва 1067 таси мослаштирилган биноларда) ташкил қилинган.

Сирдарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган ҚВПлар Жаҳон Банки кредити ҳисобига «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида 15,1 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. 2004 йилдан бошлаб «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича республикадаги барча ҚВПлар тиббий жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил қилиш мақсадида вилоят ва туман тиббий муассасаларида фаолият юритаётган фан доктори ва номзодларга етарли шароитлар яратиш учун уларнинг фаолиятларига мувофиқ лавозимлар таклиф қилинади.

Салим НАЗАРОВ *(Хатирчи тумани):*

— Мен 1-гуруҳ ногиронман, лекин дорихоналардан имтиёзли дори-дармон ололмаяпман. Ҳукуматимиз томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга амал қилмаслик мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорининг 4-иловасида кўрсатилганидек, амбулатория-поликлиника шароитида даволашда 1-гуруҳ ногиронлари бепул дори-дармонлар билан имтиёзли равишда таъминлаш рўйхатига киритилмаган. Улар бепул дори-дармонлар билан стационар шароитида даволаниш жараёнида таъминланади.

Яхшибой АҲМЕДОВ *(шифокор, Пайариқ тумани):*

— Тиббиётни ислоҳ қилиш давлат дастурининг 2-босқичида ихтисослаштирилган марказлар тузилиши кўрсатилган. Бу марказларнинг вилоят ва туман бўлимлари ҳам очиладими?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 февралда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан аҳолига сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизматни ташкил қилиш мақсадида республикада ихтисослаштирилган урология, жарроҳлик, кардиология ва кўз микрохирургияси марказлари ташкил қилинди.

Янги ташкил қилинган марказларда аҳолига юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида етук ва малакали мутахассислар томонидан тиббий хизмат кўрсатилади. Ихтисослаштирилган марказлар фаолияти тўлиқ йўлга қўйилгандан кейин аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда марказларни янада ривожлантириш мақсадида вилоятларда филиаллар ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Сарсен ПИРМАНОВ *(Нукус шаҳри):*

— Укам Маҳмуд Пирманов 1988 йил Россиянинг Новокузнецкий шаҳрида хизматда бўлган. Бироқ ўша пайтларда ҳарбий қисмларда ҳукм сурган носоғлом муҳит туфайли у оғир тан жароҳати олиб, ҳарбий госпиталга тушган ва Россиядаги руҳий касалликлар шифохонасида ҳисобга олинган. Бир неча маротаба даволаниб чиқди. Унга «постравматическая энцефалопатия с элементами деменций и психопатизации» деб ташҳис қўйилган. Укам ногиронлик даражасини аниқлатиш учун комиссияга ҳарбий хизматчи сифатида ҳужжат тақдим этса бўладими?

— Укангиз Маҳмуд Пирманов турар жойидаги ҳудудий поликлиникага мурожаат этсалар, унга врачлар маслаҳат комиссияси томонидан (ВКК) барча тиббий ҳужжатлар асосида (касалликнинг келиб чиқишида ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган жароҳатланиш, шикастланиш тўғрисида ҳарбий госпиталдан маълумотнома, 088-шакл) ҳудудий тиббий меҳнат экспертиза комиссиясига йўлланма берилади.

Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ *(журналист, Нукус шаҳри):*

— Хусусий дорихоналарда бўлиши шарт бўлган дорилар мавжудлиги вазирлик томонидан назорат қилинадими?

— Республика дорихона муассасаларида мавжуд бўлиши шарт бўлган дорилар сони 20 хил. Ушбу дориларнинг мавжудлигини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги қарорига биноан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги дори-дармонлар сифати бўйича назорат комиссиясига юклатилган.

Дори-дармонлар сифати бўйича назорат комиссиясининг 2002 йил ҳисоботига кўра, 833 та дорихонада дори ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларига амал қилиниши текширилган.

Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан 649 та дорихона муассасасига нисбатан жазо чоралари қўлланилган.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Фарруҳ ҲАМРОЕВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ АРАФАСИДА

● **Қамаши туманидаги** «Меҳрибонлик уйи»да ушбу кунга бағишлаб ўтказилган тадбирга туман партия кенгаши бош-қош бўлди. Тадбирда болажонлар учун қизиқарли чиқишлар уюштирилиб, уларга совғалар улашилди.

● **ХДП Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари** ҳам «Меҳрибонлик уйи»да маданий-маърифий, хайрия тадбирини ташкил қилдилар. Тадбиркор С.Қурбонов ҳомийлигидаги мазкур тадбирда болалар ифодали ўқиш, қўшиқ ва рақслар ижро этдилар. Уларга совғалар берилди.

● **Пискент туман партия кенгаши** туман халқ таълими бўлими, «Ойбек», «Мўминобод», «Яккаобод» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўқувчилар орасида расмлар кўрик-танловини ўтказди. Она-Ватанни мадҳ этувчи расмлар намойиши, шеър ва қўшиқлар ижроси, таъсирли саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Танловда ғолибларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

● Маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш ва «Обод маҳалла йили» дастурини бажариш юзасидан **Косонсой туман партия кенгаши** маҳаллалараро футбол мусобақасини ўтказиб, ғолибларга ўз совғасини топширди.

● **Андижон, Гулистон, Наманган шаҳар, Амударё, Беруний, Косонсой, Чуст, Қўрғонтепа туманлари партия кенгашлари** ҳам жойларда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказдилар.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР

ЎзХДП Янгийўл шаҳар кенгаши жамоат ташкилотлари раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда партия фаоллари иштирокида «Ҳеч қачон бўлмасин уруш» мавзуидаги «давра суҳбати»ни ташкил этди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган тинчлик сиёсати ҳақида фикр юритилиб, йиғилганлар ҳукуматимизнинг давлат чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар.

● «Обод маҳалла йили» доирасида **Урганч ва Оққўрғон туман партия кенгашлари** аҳоли истиқомат жойларида «Биз қураётган жамият — одил фуқаролик жамияти» мавзуидаги «давра суҳбатлари»ни ўтказдилар. Савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар асосида қизиқарли ўтган суҳбатларда икки палатали парламент тизими, Олий Мажлиснинг ўтган сессиялари ҳужжатлари моҳияти ҳақида сўз юритилди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● **Ўзбекистон ХДП Яккабоғ ва Деҳқонобод туман кенгашлари**нинг «Партия ташкилотларининг МК V пленуми ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалари»га бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Муҳокамадаги масалалар юзасидан мазкур партия кенгашлари биринчи котиблари Ш.Музаффаров ва А.Норбоевлар маъруза қилдилар.

● **ХДП Қибрай туман кенгаши** негизида Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларининг «Ўзбекистон ХДП МК V пленумининг партия ташкилотлари олдига қўйган вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий ишларнинг шакл ва услублари» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Йиғилишда партия кенгашлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлиги, аҳолига таъсир кўрсатиш даражаси, ХДП депутатлик гуруҳлари фаоллигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини ишлаб чиқиш борасида фикр юритилди. Семинарда сўзга чиққан шаҳар ва туман партия кенгашларининг котиблари, Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, Қибрай туман ҳокими С.Тошхўжаевлар партия ташкилотларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳамда уларнинг ташкилотчилик салоҳиятини ривожлантириш масалалари тўғрисида гапирдилар.

● **Оҳангарон шаҳар партия кенгаши**нинг фаоллар ўртасида ўтказган «давра суҳбати» ҳам бевосита ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирда ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов, Ангрен, Оҳангарон шаҳар, Оҳангарон, Пискент туман партия ташкилотлари биринчи котиблари Б.Йўлдошев, А.Акбаров, К.Саидов, Д.Комилова, Оҳангарон шаҳридаги «Хонобод», «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раислари У.Алимқулов, Ш.Зиёвуддиновлар сўзга чиқиб, партия ташкилотлари жойларда олиб борадиган ишлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

● **ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши** ва «Жамоатчилик тадқиқотлар маркази» нодавлат ташкилоти томонидан Тахтакўпир, Қораўзак туманларида аҳолининг ҳаётий манфаатларига доир муаммоларни амалий ҳал қилиш масалалари юзасидан мулоқотлар ўтказилди. Учрашувларда қатнашган фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олдилар.

● **Сирдарё тумани** электр тармоқлари идораси бошланғич партия ташкилотида партия аъзоларининг фаоллигини ошириш ҳамда ташкилот олдида турган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур масалалар юзасидан қатор партия фаоллари сўзга чиқдилар. МК пленуми ҳужжатлари асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

● **Уйчи тумани** Жийдакапа қишлоқ ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳомийлигида ўқув маркази очилди. Марказнинг ташкил қилинишида партия ташкилоти етакчиси А.Нишонова ташаббус кўрсатди ва ҳозир у ерда кўпгина ёшлар пазандалик, тикувчилик, сартарошлик сирларини ўрганишмоқда.

● **Пискент туман партия кенгаши** ташаббуси билан эса, «Янгиобод» маҳалласида қизларни юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлашга ўқитадиган курс ташкил қилинди. Ҳозирда 30 га яқин қиз машғулотларда қатнашмоқда. Шунингдек, мазкур маҳалладаги тикувчилик тўгарагининг очилишида ҳам туман партия кенгаши ёрдам кўрсатди.

«Фарғона-2003» — шериклик кенгайишига амалий ҳисса

— деди НАТОнинг Табиий офат ва фожиаларга эътибор беришни мувофиқлаштириш маркази директори Эверт Соммер ва АҚШнинг НАТО Фавқулодда фуқаровий режалаштириш Бош қўмитасидаги доимий вакили Майк Остен «Жаҳон» ахборот агентлиги махсус мухбири билан мулоқотда.

Марказий Осиёда илк бор ўтказилган бу кенг қамровли машғулотлар хулосалари НАТОнинг муайян тузилмаларида ҳанузгача ўрганилмоқда. Мутахассисларнинг айтишларича, «Фарғона — 2003» машғулотларида ортирилган тажриба НАТО томонидан Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо бошқа мамлакатларда уюштириладиган шунга ўхшаш тадбирларни ташкиллаштиришда истифода этилади.

«Фарғона — 2003» машғулотлари НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши учун ҳам муҳим бўлди. Хусусан, НАТО Бош котиби Ж.Робертсоннинг Альянснинг турли мажлисларида мазкур машғулотларнинг амалий аҳамияти тўғрисидаги таъкидлари бундан далолат беради.

— Шак-шубҳасиз, «Фарғона — 2003» машғулотларида қатнашган ҳар бир иштирокчи Ўзбекистондан ўз таассуротлари билан қайтди, — деди М.Остен.

Ж.МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА
Брюссель.

Учрашув қолдирилди

Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан Фаластин ҳукумати бошлиғи Маҳмуд Аббос (Абу Мазен)нинг кечаги чоршанбага белгиланган учрашуви Фаластин маъмурияти илтимосига биноан қолдирилди. Негаки, Испания ташқи ишлар вазири Ано Паласио билан музокара ўтказиш белгиланган эди. Бу ҳақда Jerusalem Post газетаси хабар тарқатди.

Исроил-Фаластин музокаралари эса бугун бўлиб ўтади. АҚШ, Россия, БМТ ва ЕИ томонидан уюштирилган бу учрашувда Яқин Шарқдаги ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш режаси муҳокама этилади. Мазкур режа ҳам юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан илгари сурилган. Исроилга қарши террорчилик актлари тўхталишини ва 2005 йили мустақил Фаластин давлатини тузишни назарда тутувчи бу режа якшанба куни Исроил Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, Америка маъмурияти маълум қилишича, келгуси ҳафтада АҚШ Президенти Жорж Буш Яқин Шарққа ташриф буюриши, бу ташриф чоғида Шарон ва Аббос билан ҳамда бошқа араб давлатлари етакчилари билан алоҳида учрашувлар ўтказиши кутилмоқда.

Гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро анжуман

21-22 май кунлари Париж шаҳрида Франция Республикасининг ҳукумати ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш Бюроси ҳомийлигида «Марказий Осиёдан Европага гиёҳванд моддалар йўли» мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда жаҳоннинг 55 мамлакати, жумладан Европа Иттифоқи, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари, шунингдек Туркия, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон давлатлари ҳамда 13 халқаро ташкилот, жумладан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи комиссияси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Интерпол ва Европол ташкилотлари делегациялари иштирок этдилар.

Конференциянинг вазирлар даражасидаги йиғилишини Франция Республикаси Президенти Ж.Ширак очиб, ўз нутқида, Афғонистонда толиблар режимининг ағдарилишига қарамай, ундаги аҳвол ўз хусусий барқарорлиги, минтақа ва жаҳондаги барча мамлакатлар тинчлигига раҳна солаётгани, гиёҳванд моддалар тижорати ҳанузгача давлат миллий кириминнинг бешдан бир қисмини ташкил этаётганлиги туфайли, Афғонистон Ўтиш Ҳукуматининг мамлакатни қайта тиклаш, гиёҳванд моддаларнинг ишлаб чиқарилишига барҳам бериш йўлидаги ҳаракатлари Франция ҳукумати томонидан тўла қўллаб-қувватланишини таъкидлади.

Йиғилишда АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири И. Иванов ва бошқа давлат вазирлари қатори Ўзбекистон делегациясига раҳбарлик қилиб борган Давлат божхона қўмитаси раиси Б. Парпиев ҳам маъруза қилди.

Ўзбекистон делегацияси халқаро конференция қатнашчиларига Ўзбекистон ҳукуматининг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний тарқалишига қарши кураш борасида амалга ошираётган кенг кўламли тадбирлари ҳақида атрофлича маълумот берди. Жумладан, Тошкент шаҳрида БМТнинг наркотик воситаларни назорат қилиш минтақавий маркази очилиши режалаштирилаётгани, Хайратон назоратўтказиш масканининг қайта тикланиши бўйича БМТ лойиҳасини амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон чегара ҳудудлари орқали Афғонистондан Европа ва Шимолий Америкага катта миқёсдаги гиёҳванд воситалари олиб ўтиш учун қилинган ҳаракатларнинг олди олинганлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлис якунида унинг иштирокчилари халқаро ва миллий даражаларда гиёҳванд моддаларга қарши кураш соҳасининг аниқ мувофиқлаштирилган йўлини аниқлаш зарурлиги ва ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдилар. Анжуман қатнашчилари эътиборига ҳавола этилган маърузаларда гиёҳванд моддалар ўстирилишига барҳам бериш борасидаги Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Италия давлатлари тажрибаларини давом эттириш, гиёҳванд моддалар тижоратидан тушаётган молиявий маблағларнинг жиноий мақсадларни кўзловчи «Ал-Қоида» тоифасидаги халқаро террористик ва экстремистик гуруҳ ҳамда ташкилотлар фаолиятини таъминлашга сарф қилинишига йўл қўймаслик, жаҳон жамоатчилигининг эътибори соғлиқни сақлаш, ВИЧ ва СПИД касалликларининг олдини олишга қаратилиши, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, гиёҳванд моддалар ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги мавжуд миллий қонунчилик асосларини уйғунлаштириш, прекурсорлар ишлаб чиқарувчи ғайриқонуний лабораторияларнинг фаолиятига барҳам бериш каби долзарб мавзулар атрофлича ёритиб берилди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Пенсиядаги ўзгаришларга қарши

Сешанба куни Франция авиадиспетчерлари умуммиллий иш ташлаш ўтказдилар. У эрталабки 6 дан кечки 23 гача давом этди. Бундан ташқари, BBC News хабарига кўра, худди шундай акция ўтказиш 2 ва 3 июнга ҳам мўлжалланган. Бу эса Францияда ва француз диспетчерлари масъуллигида бўлган бошқа хорижий аэропортлардаги авиақатновлар жадвали ўзгаришига олиб келди. Кўпгина парвозлар эса бекор қилинди, айрим авиакомпаниялар ўз йўловчиларини иш ташлаш тўхтатилгач, Францияга жўнатиши мумкинлигини айтиб, узр сўрамоқдалар.

Иш ташлашлар Франция ҳукуматининг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилишига қарши норозилик сифатида амалга оширилмоқда. Мамлакатда авиадиспетчерлардан ташқари ўқитувчилар ҳам иш ташлашни давом эттирмоқдалар.

● «ҒАЛЛА — 2003»

Бугун поёнсиз буғдойзорга айланган мана бу ерлар икки йил илгари қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган азалий чўл эди. Буғдой нари турсин бирор гиёҳ ёки кўчат ўсишига ҳам ҳеч ким ишонмасди.

Вилоят раҳбарлари ташаббуси билан бу ерларни буғдойзорга айлантиришга қарор қилинди. Бу вазифа илғор хўжалик раҳбарларидан бири Убайдулло Маҳмудовга юкланди. У ишончи оқлаш учун астойдил меҳнат қилди. Чўл бағрида уруғчиликка ихтисослашган ширкат хўжалиги барпо этилди. Жами 80 нафар киши меҳнат қилаяпти. Ўтган йили 450 гектар майдондан 41,8 центнердан ҳосил олинди. Хўжалик 5 миллион сўм соф фойда кўрди. Бу йилги режа — 45 центнер. Даромад янада кўпайиши кутилмоқда.

Суратда: Бухоро вилояти, Пешку туманидаги Мустақиллик ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Убайдулло Маҳмудов.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

● ЛУҚМА

«Чорсу» бекати: кимга қулай, кимга ноқулай?

...Қобилжон ишдан қайтаётиб, автобусдан тушди-ю шошиб метронинг «Чорсу» бекатига қараб юрди. Йўл-йўлакай соатига қаради: еттига беш дақиқа қолибди. «Бироз тезроқ юрсам, метрога эскалаторли томонидан ичкарига киришга улгураман». Хаёлидан шундай фикр ўтиб, одимини тезлатди. У ҳозир етолмай қолса, бозорни кесиб ўтиб, метрога зинапояли томондан тушишга мажбур бўлишини яхши билади. Ҳайрият бугун улгурди.

— Ушбу йўналиш бўйича қатновчиларга яхши маълум, «Чорсу» метро бекатининг эскалаторли томони эшиги яқинида катта автостанция бор. — Элликдан зиёд йўналиш бўйича қатновчи автобуслар, шунингдек, троллейбус ва маршрутли таксиларда келган йўловчиларнинг кўпчилиги шу ердан метрога тушишади. Ёки метродан чиқиб, автобусларга ўтиришади. Метро бекатининг эскалаторли томони эшиклари эса эрталаб соат 5 дан 7 гача, кечқурун эса 19 дан кейин ёпиқ бўлади. Тасаввур қилинг: кечқурун тўққизда ишдан қайтаётганлар метродан чиқиб, автобусда уйига кетиши учун қоронғида бозор майдонини айланиб ўтишга мажбур. Одамларга қулайлик яратиш учун эскалаторли томонни тўла ишлатиб қўйишса бўлмасмикин?!

Айтишларича, ўн икки йил илгари метрода электр энергиясига ва хизматчилар иш ҳақига сарфланадиган маблағни бирмунча камайтириш ҳисобига харажатларни қисқартириш чораси кўрилган экан. Ўшанда «Чорсу» метро бекати чекига эскалаторли томонни етти соат ишлатмаслик тушганди. Орадан қанча вақт ўтди, хизмат кўрсатиш тарифлари кўп марта ўзгарди. Лекин «Чорсу» бекатидаги чеклашга барҳам бериб, йўловчиларга қулайлик яратиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Суҳбатдошим гапида жон бор. Шу ўринда Тошкент метрополитенига доир айрим маълумотларни келтирсам. Ҳозирги пайтда унинг тизимида 29 та бекат бўлиб, 58 та кириб-чиқиш эшиклари мавжуд. Уларнинг 13 таси эскалаторли бўлиб, 45 таси зинапоядан иборат. «Чорсу» метро бекатидаги етти соатлик чеклашни ҳисобга олмаганда, 13 та эскалаторнинг барчаси ишлатилаяпти. «Беруний» ва «Ёшлик» бекатларидаги зинапоя билан кириб-чиқиладиган эшиклар йўловчилар оқими кам бўладиган кечқурун соат 19 дан ёпиб қўйилади. Бу далиллардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳри бўйича 13 та эскалаторли кириб-чиқиш жойининг фақат «Чорсу» метро бекатида етти соатлик чеклаш жорий этилган. Йўловчилар билан бу хусусида гаплашсангиз, уларнинг ҳаммаси «Эскалаторли томон эрталаб соат 5 дан кеч 24 гача очиқ бўлиши керак. Ахир, у одамларга қулайлик яратиш учун қурилган-ку!» дейишади.

Тошкент метрополитен бошқармаси мутасаддиларининг юқорида тилга олинган ноқулайликка бўлган муносабати билан қизиқдик. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Содиқовнинг тавсиясига кўра, техник хизмат бошлиғи Абдувоҳид Қодиров билан фикр алмашдик. У «Агар эскалаторли кириб-чиқиш томонини тўлиқ ишлатадиган бўлсак, харажатлар бирмунча кўпаяди. Бу эса биз учун маъқул эмас», деди. Унинг нуқтаи назарини тушуниш қийин. Бошқа станциялардаги 12 та эскалатор тўлиқ ишлатилса-ю, гавжум «Чорсу» бекатида эса етти соатга тўхтатиб қўйилишини қандай изоҳлаш мумкин?! Тошкент метрополитени масъуллари, қолаверса шаҳар ҳокимлиги йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида илгари жорий этилган чеклашни бекор қилиш ҳақида ўйлаб кўриши керакка ўхшайди, назаримда.

Суннат САЙДАЛИЕВ,
журналист

Муддат 15 июнь

«Новости» агентлиги ахборотида ёзилишича, Ироқ аҳолиси қўлида сақланаётган барча қуроллар 1 июндан бошлаб 2 ҳафта муддат ичида мамлакатдаги ҳукмрон қўмондонлик ихтиёрига топширилиши лозим. Бу ҳақда Ироқнинг барча газеталари қўмондонлик берган баёнотга асосланиб хабар тарқатди.

Эндиликда уйда қурол сақлаш ва қурол савдоси билан шуғулланиш қатъиян тақиқланади, яъни ноқонуний ҳисобланади. Кимки бу тартибни бузса, унга қамоқ жазоси берилади.

Бармоқ излари олинади

АҚШ маъмурияти мамлакатга виза билан келувчи барча сайёҳу тадбиркор, умуман ҳар қандай шахс ўз суратини, бармоқ изларини ва барча ҳужжатларидан нусха топширишларини мажбурийлаштиришни мўлжаллаб турибди. Яъни, яқин кунларда мамлакатга келувчиларни ҳисобга олиш тартиби янада қатъийлаштирилади, тўғрироғи, виза тартиби қаттиққўллик билан олиб борилади.

АҚШ миллий хавфсизлик вазири ўринбосари Аса Хатчинсоннинг АР агентлиги журналистига маълум қилишича, 2004 йил 1 январдан мамлакатга келувчи барча хорижликлар дактилоскопия (бармоқ излари ва уларга қараб кишиларнинг шахсини аниқлаш) «чиғириғи»дан ўтишларига тўғри келади. Бундан ташқари мамлакат ҳудудига кираётганлар денгиз портлари ва аэропортлардаги божхона постларида мажбурий суратга олинади, ҳужжатларидан нусха кўчирилади ва террорчи ташкилотларга алоқаси бор-йўқлиги дарҳол текширилади.

Бундай янги тизимга ўтиш учун АҚШ Конгресси 380 миллион доллар маблағ ажратди.

Дарвоқе, мамлакатга келувчилар қайси давлат фуқароси эканлигини, қаерда доимий яшашини, миллати ва АҚШдаги тўхташ жойи — манзилини маълум қилиши шарт. Бу тадбирларнинг барчаси мамлакатга террорчилар суқилиб киришининг олдини олиш, умуман, мамлакат хавфсизлигини ўйлаб шундай қилинмоқда, деди Аса Хатчинсон.

Бу янги тартиб-қоида шартлари ҳозирча 27 давлат (Канада ва кўпгина Европа давлатлари) фуқароларига тааллуқли эмас. Улар визасиз АҚШга ташриф буюришлари мумкин. Фақат кейинчалик виза билан кирувчи давлатлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин.

Мамлакатга келувчилар ҳақидаги барча маълумотлар таҳлил этилади ва махсус департаментда махфий сақланади. Бирор кишининг ҳужжатлари шубҳа уйғотса, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига текшириш учун берилади.

Аввалари дактилоскопия фақат террорчи гуруҳлар борлиги гумон қилинган давлатлар фуқароларигагина, шундаям 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган эркак кишиларга нисбатан қўлланиларди. Энди эса... Тўғри, бу жараёнларга жуда кўп вақт кетади. Негаки, АҚШга келиб-кетувчилар сони жуда кўп. Масалан, ўтган йили АҚШга 23 миллион киши виза бўйича сайёҳ сифатида ташриф буюрган. Бу мамлакатга келган барча меҳмонлар умумий сонининг 60 фоизини ташкил этади. Лекин нима бўлганда ҳам мамлакат хавфсизлиги биринчи ўринда туради.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, The Wall Street Journalда ёзишларича, мамлакатга келиш истагида бўлган хорижликларнинг 90 фоизи АҚШнинг чет эллардаги элчихоналарида виза олишдан аввал суҳбатдан ўтадилар.

Жазирама сабаб...

Ҳиндистоннинг Андра-Прадеш штатида икки ҳафтадан бери давом этаётган жазирама сабабли 430 киши оламдан кўз юмди, дея хабар беради Associated Press агентлиги. Шу кунларда бу ерда ҳарорат 47,5 даражадан пастга тушмаётир. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассисларининг маълум қилишича, бундай ҳарорат 1 июнгача сақланиб туриши мумкин экан. Негаки, шу ойдан муссон ёмғири мавсуми бошланади.

Ҳозир офтоб урган юзлаб одамлар шифохоналарда даволанмоқда. Дарвоқе, ўтган йили иссиқдан вафот этганлар сони мингдан ортиб кетган эди.

АНЖУМАН ТААССУРОТЛАРИ

Христиан ва ислом дунёси:

Янги мулоқотлар даври

Жаҳонда юз бераётган шиддатли воқеаларнинг у ёки бу томонга ўзгариб бориши — илмий жамоатчиликдан мазкур жараёнларни янги кўз ва янги нигоҳ орқали англашга, уларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниб, амалий хулосалар чиқаришга чорлаши табиий. Ва бундай шароитда христиан — ислом мулоқоти ҳам тадқиқ ва таҳлил объектига айланиши муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Яқинда Европанинг етакчи давлатларидан бўлмиш Германия Федератив Республикаси вакиллари диёримизга ташриф буюришди. Икки томонлама муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича немис ҳукумати, илмий жамоатчилиги ва ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари билан мулоқотлар қизғин тус олди. Ана шундай мулоқотларнинг бири (христиан — ислом мулоқоти мавзуида) Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтди. Ўз навбатида айтиш жоиз, бу даставвал Германияда бошланган мулоқот бўлиб, эндиликда бизнинг мамлакатимизда ўтказилди.

Умуман, эътироф этиш керакки, айни 11 сентябрь воқеалари туфайли Европанинг аксарият интеллектуал ва сиёсий доираларида христиан — ислом дунёси бўйича мулоқотларга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Сўнгги йиллардаги можароли вазиятларнинг аксарияти асосан диний экстремистик руҳдаги баҳоналар туфайли содир этилаётганлиги кўпчиликка аён. Зеро, ҳозирги пайтда муайян сиёсий кучлар тинч ва дипломатик йўллар бир ёқда қолиб, террорчилик хуружлари орқали ўз мақсадларига эришишга интилмоқдалар. Бунинг оқибатида динлараро муносабатлар чигаллашиб, вазият беқарорлашмоқда.

Шунинг учун ҳам Германия — Ўзбекистон христиан — ислом мулоқоти тимсолида иккита цивилизация ўртасидаги муносабатга баҳо бериш таҳлилчилар учун янги бир имконият яратди. Зеро, ҳар қандай сиёсий-тарихий жараёнга баҳо беришда воқеаларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, уларнинг муайян вазифаси ва мақсадларини амалга оширишдаги уйғунлиги каби хусусиятларни қиёслаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Германия учун бошқа бир цивилизация вакиллари билан мулоқотга келиш ўз-ўзидан амалга ошган жараён эмаслигини ҳам таъкидламоқчи эдик. Биринчидан, Германия ҳам Ғарб дунёсидаги етакчи мамлакатлар сингари ҳозирги пайтда цивилизациялар тўқнашувидан асло манфаатдор эмас. Аслида у зиддиятларнинг цивилизацияларо ва динлараро тўқнашувига айланиб кетишидан хавотирда. Даҳшатли 11 сентябрь воқеалари содир этилган кунларда германияликлар буни янада чуқурроқ ҳис этишди. Германия раҳбарияти ва халқи терроризмнинг бундай кўринишини кескин қоралаган ҳолда, ислом динининг эзгуликка чорловчи эътиқодига асло тил теккизмасликка чақирганлиги муҳим тарихий далилдир.

Яна бир назарда тутиш зарур бўлган ҳолат шуки, ўз вақтида Гитлер нацизми мафкураси туфайли мағлуб бўлган.

...Германиянинг тикланишида АҚШнинг «Маршал» режаси катта роль ўйнаган. Масалани бу жиҳатдан олиб қарасак, германияликларнинг бошқа цивилизациялар томон қилаётган бугунги саъй-ҳаракатларига сабаб ўзининг аччиқ ўтмишидан тўғри хулоса чиқара олганида. Айни шу жиҳатдан ҳозир Конрад Аденауэр жамғармаси ёки Гёте институти каби немис ташкилотлари дунёнинг қарийб юздан ортиқ нуқталарида ўз ваколатхоналарига эгадир. Улар бугунги кунда немис тили ва маданияти, Ғарб демократияси анъаналари ва тамойилларини тарғиб қилиш орқали мустақил давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим миссионерлик фаолиятини юргизмоқдалар. Янги мулоқотлар даврида бу масалалар бўйича германияликлар янгидан-янги илғор ғояларни илгари сурмоқда.

Христиан — ислом мулоқоти бўйича давом этган бир ҳафталик семинарда жаҳон динларидаги толерантлик, меҳр-мурувват, ҳалоллик ва виждон эркинлиги асослари хусусида кўп фикрлар алмашилди. Зеро, бугунги кунда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги мулоқотнинг амалий аҳамиятини кучайтиришда тенг ҳамкорлик руҳиятидаги баҳс-мунозараларнинг тақчиллиги сезилмоқда. Гап бу ерда икки хил менталитет, икки хил тажриба ва икки хил дунёқарашнинг яхши маънодаги, илмий мунозарали тўқнашувлари ҳақида бормоқда.

Айни шу руҳдаги мулоқот маданиятини шакллантириш хусусидаги таклиф ва тавсиялар ҳар иккала томондан тўғри қабул қилинди. Бу эса турли муаммолардан тортиб то сиёсий муаммоларнинг қай тарзда талқин этилишидан қатъи назар — мулоқотларга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб боради, деган умумий фикрга олиб келиши аниқ. Зеро, ҳозир ривожланган Европа ҳам ўзининг ички исломийлашув жараёнларини бошдан кечирмоқда. Табиийки, Европадаги бундай шиддатли ўзгаришлар қўшни цивилизация бўлмиш Шарқ билан ҳам муносабатларни уйғунлаштиришга ҳаракатни кучайтиради. Мулоқотимизда ислом ва христиан динларидаги эзгуликка чорловчи даъватларнинг ниҳоятда ўхшашлиги кўп тилга олинди. Ўз навбатида муайян масалалар бўйича ҳам қатор тушунмовчиликлар мавжудлиги ҳақида рўй-рост айтилди.

Биз бутун Марказий Осиё тараққиёти тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз мисолида полиэтник жамиятларда динлараро тотувлик мумкин эканлигини исботлади, деб бемалол айта оламиз.

Биз учун энг муҳими — семинарда фақат илм ва тафаккурга, сабр-тоқат ва фикр эркинлигига асосланган мулоқотларгина христиан — ислом дунёсидаги зиддиятларни бартараф эта олади, деган умумий хулосага келинди. Мухтасар қилиб айтганда, биз шу кунлари христиан — ислом мулоқоти бевосита тафаккур, илм ва маърифат даражасига боғлиқ бир жараён эканлиги, қолаверса, бундай мулоқотларнинг самараси фақат тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилига асослангандагина ўз самарасини бера олишига яна бир бор амин бўлдик. Христиан ва ислом дунёсида янги мулоқотлар даври янги ғояларга ташна эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Даврон МУИТОВ,
Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази етакчи илмий ходими

Бетакрор рақслар жилоси

Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театрида Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 90 йиллиги ва «Баҳор» ижодий жамоасининг 45 йиллигига бағишланган катта мусиқий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбек санъати солномасида Мукаррама Турғунбоева энг буюк санъаткорлар қаторидан жой олган. Тамарахоним, Уста Олим Комилов ва Муҳиддин Қориёқубов ўқувчиси ва издоши бўлган раққоса ўзбек мусиқа театри асосчиларидан бири саналади.

М.Турғунбоева ўзбек хореографияси учун мақомларнинг мумтоз мусиқасини кашф этди, шундай рақсларни яратдики, уларда сюжет эмас, навонинг эмоционал маъноси ижро этилади. У ўзбек миллий рақс ҳаракатларининг асосини сақлаган ҳолда, уларни мумтоз рақслар элементлари билан бойитди. Меъёрни ҳис қила билиш, ижодкорлик, шаклнинг ўзига хослиги истеъдодли раққоса саҳналаштирган барча саҳна асарларини бир-биридан ажратиб турарди.

2001 йил августида мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Мукаррама опа ўзининг саҳнадаги рақслари билан эса барчани қойил қолдирарди. Унинг «Пилла», «Катта ўйин», «Тановар» каби бетакрор рақсларида назокат ва жозиба бор. Шу билан бирга Шарқда биринчи бўлиб «Баҳор» халқ рақс ансамблини ташкил қилди. М.Турғунбоева саҳналаштирган «Пахта», «Баҳор валси» ва бошқа кўплаб рақслар нафақат ансамблнинг, балки ўзбек хореографиясининг олтин фондига айланиб улгурган.

(Ўз мухбиримиз)

ИБРАТ

Устозимдек бўлгим келади

Яқинда ўзим ўқиган мактаб ҳовлисига қадам босдиму, беғубор болалигим ёдимга тушди. Ўн йил сабоқ олган, барча ўйинқароқлигим гувоҳи бўлган мактаб.

Биринчи учратган одамим тарих ўқитувчиси Ортиқбой ака бўлди. У институтдаги сессия давомида Ўзбекистон тарихидан аъло баҳо олганимни эшитиб, тўлқинланиб кетди.

Ортиқбой ака имтиҳон қандай ўтгани, институтда тарихдан қандай сабоқлар олганимни сўраб-суриштирди. Кейин: «Энди менга ҳам имтиҳон топширасан», — деди.

Биз мактаб биносидаги икки хонани эгаллаган музейга кирдик. Беихтиёр бундан беш йил муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни эсладим. Ўшанда Ортиқбой ака тарих бўйича кўргазмали дарс бериш учун ўлкашунослик музейини яратган ва уни кўришга Шовот туман ҳокими келган эди. Хоразм тарихи бўйича тўпланган буюмлар, осори-атиқалар ҳокимда катта таассурот қолдирди ва бу кичик кўргазмани чинакам музейга айлантиришга ёрдам беришини айтган эди. Кўпчиликнинг ёрдами билан музейда мингдан ортиқ экспонатлар тўпланди.

Ортиқбой ака ва унинг қизи Насиба тарихчи сифатида уларни турларга ажратиб 80 дан зиёд мавзу бўйича кўргазма ташкил этишди. Энди эса мен унинг чинакам ўлкашунослик музейига айланганининг гувоҳи бўлдим.

Ортиқбой ака биринчи бўлим олдида тўхтади. «Хоразм жаҳон илм-маърифатининг илк бешикларидан бири» деб номланибди у.

— Дунёда биринчи глобусни яратган ва Америка қитъаси мавжудлигини башорат қилган Абу Райҳон Беруний хоразмлик эди, — дедим ҳаяжонланиб. — Ана шу глобус намунаси шу жойга қўйилиши керак.

Мен институтда эшитган маърузалар ва амалий маълумотларда олган билимларимни устозим олдида намойиш қила бошладим. Хиванинг 2500 йиллиги, Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750, Жалолиддин Мангубердининг 800, Нажмиддин Кубронинг 850, Муҳаммад Раҳимхоннинг 150, «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган моддий ва маънавий ёдгорликларни ўзимча шарҳлаб бердим. Хоразмнинг миллий қаҳрамонлари, буюк шоир ва олимларига бағишланган стендлар, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва санъат намуналари қўйилган подиумлар ўлка тарихининг тилсиз гувоҳлари эдики, улар менда Ўзбекистон тарихи бўйича олган билимларимни чиндан ҳам жиддий синовдан ўтказар эди.

Ортиқбой ака музейдаги экспонатлар хусусида бораётган суҳбат давомида тарихда ўтган шахслар ҳақидаги мунозарали баҳолар масаласига тўхталди.

— Эрамиздан аввал IV асрда яшаган Хоразм ҳукмдори Фарасман юнон босқинчиларидан ўз юрти мустақиллигини дипломатик йўл билан сақлаб қолган. Совет даври тарихчилари ноўрин уни хоинликда айблашган.

Ортиқбой ака Ўзбекистон давлат тарихининг янги концепцияси бўйича яратилган музей экспозициясидан ўрин олган ҳужжатларни менга кўрсатди. Чиндан ҳам қирқ йилдан зиёд тарихдан дарс бериб келаётган устоз муаллим фикрлари менда чуқур таассурот қолдирди. Тарих дарсини кўргазмали қуроллар воситасида ўтишнинг самарали эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

Кичик бир музейда уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихини гавдалантирадиган кўргазмани ташкил этиш учун қанча билим, қанча меҳнат, қанча изланиш зарур? Фақат ўз иши, ўз касби, ўз илмига катта муҳаббатгина бунга қодир.

— Бугун ҳисобимга қараганда, — дейди Насиба Бекжонова, — экспонатлар сони икки мингга етибди.

Насиба опа тарихдан дарс беради, отасининг музейдаги ёрдамчиси. Ота-бола ҳамкасб, ҳамфикр. Уларнинг ўз касбларига, тарихга катта муҳаббатларига ҳавасим келади.

Устозимдек бўлгим келади.

Қаҳрамон ОТАЖОНОВ,
Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти талабаси.

СПОРТ

Қувончбек — олтин камарга даъвогар


Қувончбек Тайғонбоев

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз — Қувончбек Тайғонбоев ҳамда Руслан Чагаевлар навбатдаги рейтинг жангларини ўтказди.

WBO версияси бўйича қитъалараро чемпион Қувончбек Тайғонбоев шу йил 18 январда сўнгги учрашувда панамалик Алфонсо Москауэрога қарши рингга чиққанди. Ушбу жангда зафар қучган вакилимиз навбатдаги рақибини ҳам ютса, 69,9 кг. вазн тоифасида олтин камар учун рингга кўтарилиш имкони туғиларди.

Куни кеча Қувончбек ўзининг йигирма иккинчи жангини асли россиялик (ҳозирда АҚШда яшаётган) Андрей Цурканга қарши ўтказиб, бунинг уддасидан чиқди. Ўн раунд давом этган шиддатли учрашув Қувончбек Тайғонбоевнинг ғалабаси билан якунланди. Демак, ҳамюртимиз энди ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқади. Ҳал қилувчи учрашув шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.



Руслан Чагаев

Профессионал боксда «енгилмас» номини олган Руслан Чагаев эса ўзининг саккизинчи рейтинг жангини ўтказди. 86,2 кг. вазн тоифасида америкалик Зак Грэхэмга қарши рингга кўтарилган вакилимиз яна бир бор ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Аввалги учрашувларининг олтитасида рақибларини нокаутга учратган Руслан бу сафар ҳам узоқ куттирмади. Тезкор ҳаракат ва кучли зарбалардан доғда қолган Зак Грэхэм учинчи раунднинг сўнгги сониясида референга учрашувни давом эттира олмаслигини билдиришдан бошқа чора тополмади.

Июнь ойи ўрталарида Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам IBF версиясининг 63,8 кг. вазн тоифасида навбатдаги жангини ўтказиши кутилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига биноан:

2003 йил 7 майдаги 10-0304/1132 сонли «БИГ ЛТД» хусусий фирмаси, 2003 йил 14 майдаги 10-0304/1134 сонли «AL ASALA» хусусий фирмаси ва 2003 йил 15 майдаги 10-0304/1131 сонли «EAST LINK COMPANY LTD» қўшма корхонаси

БАНКРОТ деб эълон қилинди.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23-«а» уй, Миробод Д.С.И. Тел.: 55-38-64.

Боғ оралаб ўтган йигит ким ўзи?

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат

Ҳикматли сўзлар маъноси

Дўсти нодондан душмани доно яхши

Бу мақолнинг келиб чиқиши бир ҳикоя билан боғлиқки, унинг қисқача мазмуни қуйидагича: «Бир ўғри кечаси подшонинг саройига ўғирликка тушган. Қараса, подшо тахтида ухлаб ётибди-ю, тепасида бир маймун унинг бетига қўнган пашша, чивинларни елпиғич билан қўриб ўтирибди. У пашшаларни ҳайдаб, елпиғичини тўхтатган замони яна келиб ёпишармиш. Маймуннинг жаҳли чиқиб, бир катта тошни кўтариб келибди-да, хира пашшаларни бир йўла қириб ташлаш мақсадида тошни икки қўли билан азот кўтариб, урмоқчи бўлиб қолибди. Шунда ўғри қўлига камонни олиб, бир отган экан чийиллаган овозидан подшо уйғониб кетибди. Қараса, сарой саҳнида қора кийимга бурканган бир нотаниш одам турганмиш. Подшо қўрқиб кетиб, «Кимсан?!» деб бақирган экан, дарҳол ясовуллар югуриб келиб, ўғрини ушлаб олибдилар. Подшо ўғрини ўлдиртирмоқ мақсадида «Жаллод!» деб чақирибди. Шунда ўғри унга таъзим қилиб: — Эй подшоҳим, мен ҳақиқатан ҳам ўғриман, саройингизга ўғирликка тушган эдим... — деб, у маймун воқеасини гапириб берибди. Дарҳақиқат, қарашса, тахт ёнида бир катта тош турганмиш, унинг олдида маймун ўлиб ётганмиш. Шунда подшо: «Ҳа, дўсти нодондан душмани доно яхши экан, деб ўғрини ўлимдан озод қилибди. Вар.: «Ақлсиз дўстдан ақлли душма афзал», «Аҳмоқ дўст — ёвдан ёмон», «Қозиқ устида қор турмас, Нодон киши дўст бўлмас», «Ақлсиз душмандан бир сақлан, Ақлсиз дўстдан минг сақлан».

Дўсталашмоқ осон, ажрашмоқ қийин

Вар.: Дўст ўлими — мусибат, Ажралмоқ — ўта мусибат»; «Жондан кечсанг ҳам дўстдан кечма»; «Отангнинг азасин тут, Дўстингнинг этагин тут»; («Ҳатто отангдан ажрасанг ҳам, дўстингдан ажрама» деган маънода муболаға қилинган); «Йўлдошини ташлаган — йўлда қолар»; «Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур, Ёнса йиғоч ёлғуз — иши дуд эрур» (Навоий).

Бухгалтерский баланс СП ОАО «MADINA-T» на 1 января 2003 года

(в тыс. сум)

Наименование статей	Актив	Пассив
Основные средства по остаточной стоимости	3104,3	
Акции в ассоциированных предприятиях	302,3	
Производственные запасы	2049,0	
Товары	148,6	
Денежные средства	144,7	
Дебиторы	2809,0	
Уставной капитал		8040,4
Дабавленный капитал		1509,0
Резервный капитал		80,9
Целевые поступления		89,5
Нераспределенная прибыль		-3807,8
Кредиторская задолженность		2645,9
Баланс	8557,9	8557,9

Так же сообщаем, что объявление опубликованный в газете «Ўзбекистон овози» 17 мая 2003 года с текстом объявления ОАО «MADINA-T» дополняется информацией «реестр акционеров СП ОАО MADINA-T закрыть 12 мая 2003 года».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ
эълонлар бўлими
ТЕЛ.: 133-47-80, 133-38-55.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Тоғай МУРОДнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 422
11547 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA